

Тазкия дарслари (215-дарс) Сўздаги, амалдаги, ибодатдаги, қалбдаги ихлос



19:00 / 28.01.2023 3435

Ихлоснинг ҳақиқати Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсдан халос бўлмоқ - қутулмоқдир.

Ихлос - амални, гап-сўзни ва ибодатни уларга хиралик етказадиган риё, алдамчилик, ёлғон каби нарсалардан тозалашдир. Амалдаги ихлос унга ҳақ сўраш у ёқда турсин, уни биров билмайдиган тарзда қилишдир. Қўлидан келганича амални адо қилиб, ортидан хижолат бўлишдир.

Уламолар тоатдаги ихлос риёни тарк қилишдан иборат эканини бир овоздан таъкидлаганлар.

Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳи:

«Одамлар учун амални тарк қилиш риёдир. Улар учун амал қилиш ширкдир. Ихлос ушбу икки нарсани тарк қилишдир», деган.

Қилинадиган амаллар ниятга қараб бўлади. Риё учун қилинган амалнинг эгаси мухлис бўла олмайди. Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш ниятида қилинган амалнинг эгаси мухлис бўлади.

Бандадан содир бўладиган ихлос тўрт қисмга тақсимланади:

1. Гап - сўздаги ихлос.

2. Иш - амалдаги ихлос.

3. Тоат - ибодатдаги ихлос.

4. Ҳол - қалбдаги ихлос.

Ихлос тасаввур ёки хаёл эмас, балки амалдир. Шунинг учун у давомли, тўлиқ, илм асосида ва даражама-даража бўлиши керак.

Ихлос билан содиқлик орасида фарқ бор. Содиқлик аслдир. Ихлос фаръдир. Ихлос амални бошлагандан кейин бўлади. Содиқлик ниятда, иш бошланишидан олдин бўлади.

Ихлоснинг кўринишларидан:

1. Тавҳидда ихлос қилиш.

2. Ниятда ва қасдда ихлос қилиш.

3. Намоз, сажда, рўза, Рамазон бедорлиги, Лайлатул қадр бедорлиги, масжидларга муҳаббат, закот, садақа, ҳаж, умра, тавба, зикр, истиғфор, дуо, Қуръони Карим қироати ва бошқа қурбатларда ихлос қилиш.

4. Барча гап-сўзларда ихлос қилиш.

5. Содиқлик, сабр, зуҳд, тавозе каби карамли ахлоқларда ихлос қилиш.

6. Аллоҳ таолога таваккул қилишда ихлос қилиш.

7. Барча ишларда ихлос қилиш.

Ихлоснинг даражалари:

Руҳий тарбия машойихларининг таъкидлашларича, ихлоснинг даражалари учтадир: авомларнинг даражаси, хосларнинг даражаси ва хосларнинг хосларининг даражаси.

1. Авомнинг ихлоси Ҳақнинг муомаласидан халқни чиқариш бўлиб, унда тан соғлиги, молу дунё, ризқ кенглиги, жаннат қасрлари ва ҳурлар каби дунёвий ва ухровий насибаларни талаб қилиш ҳам бўлади.

2. Хосларнинг ихлоси Ҳақнинг муомаласидан халқни чиқариш билан бирга, дунёвий насибаларни қўйиб, ухровий насибаларни сўрашдир.

3. Хосларнинг хосларининг ихлоси Ҳақнинг муомаласидан халқни ва барча дунёвий ва ухровий насибаларни бирйўла чиқаришдир. Уларнинг ибодати бандаликни юзага чиқариш ва Роббнинг жамолига мушарраф бўлиш учун У Зотнинг вазифаларини муҳаббат ва шавқ ила адо этишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг Аллоҳга ибодати фақат Аллоҳ учун бўлади.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди